

**МЕХНАТ БОЗОРИГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЗАМОНОВИЙ КАСБЛАР,
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ БИЛАН
ТАНИШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.**

Нурметова Маърифат Наримбоевна

Хоразм Вилояти Кўшкўпир тумани

43-мактаб психологи. “Келажсакни олдиндан башорат

қилишининг энг яхши йўли уни яратишидир” (Авраам Линcoln)

Ҳар бир мактаб битирудисининг ўзига берадиган асосий ва айрим ҳолатларда қийин саволи бу-келажақда қайси касб эгаси бўлсан, қайси соҳада ишласам экан деган савол бўлади. Улардан кам сонлиларигина болалигиданоқ косманавт ёки врач бўлиш каби аниқ мақсадларни олдига қўйган бўлишса, катта кўпчилиги охирги дақиқаларда бир қарорга келишади. Инсон ўзининг қалб касбини топа олсагина унда мароқ билан ишлайди. Дунё шиддат билан ўзгариб борар экан, барча нарса қатори меҳнат бозори ва унинг талаблари ҳам ўзгариши табиий ҳолат. Инсон бундай вазиятда доимий равишда ўз устида ишлаши, кўникмаларини шакллантириши, изланиши ва профессионал фаолиятнинг турли соҳалари бўйича замонавий билимларни эгаллаши, танқидий ва креатив фикрлай олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Чунки 10 йил олдинги меҳнат бозоририда мавжуд бўлган ва ҳозирда кириб келаётган касбларни солиштирсак анча сезиларли фарқни кузатамиз. Тезкор технологик ўзгаришлар ва таълимдаги глобал ўзгаришлар даврида меҳнат бозори инқилобни бошидан кечирмоқда. Анъанавий касблар ўз ўрнини ноёб кўникма ва малакаларни талаб қилувчи янги иннаватсион соҳаларга бўшатиб бермоқда. Олимлар футурологлар прогнозларини ўргангандек ҳолда сўнгги 30 йил ичидаги энг кўп

талааб қилинадиган касблар рўйхатини тузди. Булар 19 та соҳадаги касблар бўлиб, улар аллақачон пайдо бўлган, ўзгараётган ва янгиланаётган касблар бўлиб тиббиёт ва транспортдан, маданият ва космосгача ўз ичига олган. Келажакдаги касблар бу-15-20 йилдан кейин пайдо бўладиган, бир нечта фанлар чорраҳасида жойлашаган касблардир. Бундай касблар мавжудларини тўлдиради ёки алмаштирилади. Масалан, юқ машиналари ҳайдовчилари ҳайдовчисиз бошқариладиган транспорт воситаларига алмаштирилади. Машина ўзини ўзи сақлайди. Ёки дрон операторлари туфайли самода учувчисиз транспорт воситалари пайдо бўлмоқда. Келажак касбларининг таҳлили нима учун керак. Ҳозирданоқ улардан хабардор бўлмасак, ўзлаштирмасак, ўрнимизга робот ёки сунъий интеллект келади ва биз ишсиз қолишимиш мумкин- дегани. Қуйида бир нечта келажак касблари билан танишиб ўтамиз.

Тиббиёт келажак касблари.

Ҳаётни узайтириш унинг сифатини яхшилаш учун кенг турдаги мутахасислар керак бўлади. Беморларни масофадан туриб даволовчи шифокорлардан ва шахсий соғлиқни сақлаш менежерларидан тортиб генетика ва трансплантология соҳаси мутахасисларигача.

Онлайн терапевт-касаллик белгиларини аниқлаш ва уни керакли мутахасисларга юбориш учун bemorga дастлабки ташхис қўядиган шифокор. У терапеяни қандай кетаётганини текширади ва касалликларни олдини олиш чораларини онлайн тарзда тавсия қиласди.

Шахсийлаштирилган тиббиёт бўйича мутахасис

Биоетик-тиббиёт, технология ва хуқуқ кесишимасидаги мутахасис. Мураккаб тиббий ва биологик ишларни ҳал қилиш учун шахс ёки унинг қариндошлари, шифокорлар хуқуқшунослар ва генетиклар ўртасидаги мулоқотни ташкил қиласди.

Киберпротез ёки имплантларни ишлаб чиқарувчи, мия имплантатсияси бўйича мутахасис, тиббий маркетолог, генетик муҳандис, биохакинг ва дастурлаштириладиган саломатлик бўйича мутахассис, тиббий робот оператори шулар жумласига киради.

Экология бўйича келажак касблари. Тез орада об-ҳаво ўзгаришларининг глобал иқлимга таъсирини, зилзилалар ва бошқа табиий оғатлар ҳакида қисқа муддатда аниқ прогнозлар қилиш, сайёранинг ифлосланишига қарши оқилона курашиш бўйича мутахассислар ушбу соҳа вакиллари ҳисобланишади.

Атроф муҳит изларини камайтириш бўйича мутахассислар. Улар чиқиндисиз бошқарувчилар, нол энергия уйлар архитектори, яшил транспорт муҳандиси, қайта ишлаш буйича мутахассис, шаҳар боғбонлари, эко аудиторлардир.

Ахборот технологиялари бўйича келажак касблари. ИТ эвенгелист, дата журналист, рақамли трансформатсия ходимлари, маълумотлар архитектори, рақамли тилшунос, ИТ ва ИИ этикаси бўйича мутахассислар.

Биотехнологияда келажак қасблари. Тирик ва жонсиз табиат кесишмасида жойлашган саноат. Мутахассислар тиббиёт, биология ва тегишли соҳаларда муҳим ютуқларга эришишга ёрдам берадиган мутлоқо янги микроорганизмларни яратиш учун чексиз имкониятларни башорат қилмоқдалар. Биотехнология тирик тизимлар ёрдамида инсоният муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, янги энергия манбалари, янги материаллар, янги генлар. Бу қасбларга биофармаколог, синтетик биология соҳаси муҳандими, киберорганизмлар конструктори, йўқолиб кетган турларни қайта тиклаш бўйича мутахасис.

Робототехника бўйича келажак қасблари. Одамлар тобора оғир, хавфли, монотон ва ўта аниқ ишларни машиналарга топширмоқда. Амма глобал роботлаштиришнинг муваффақияти тўғридан-тўғри роботатехниканинг муваффақияти билан боғлиқ бўлади. Бу соҳага робот ишлаб чиқарувчи, робот

техникаси соҳасидиги хуқуқшунос, композитлар мұхандиси каби мутахасислар киради.

Қишлоқ хўжалигида келажак касблари. Замонавий технологиялар-генетика, 3Д принтер, сунъий интеллект ва роботлар қишлоқ хўжалигида банд бўлган миллионлаб одамларни оғир жисмоний меҳнатдан озод қилмоқда. Улар сабзавот ва мева етиширишни далалардан шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг томларидағи фермаларга ўтқазиши, чорва молларини эса “оммавий қирғин қилиш” хавфини камайтиришлари мумкин. Масалан, битта хайвон хужайрасидан ин витрода етиширилган гўшт аслининг там ва сифатларини ўзида тақрорлаши устида иш олиб борадилар. Бу соҳа вакилларига агрокибергенетиклар, ГМО оғрономи, 3Д озиқовқат маҳсулотларини чоп этиш бўйича мұхандис, автоматлаширилган қишлоқ хўжалиги техникаси оператори, қишлоқ хўжалиги экологи.

Транспортда келажак касблари. Хавфизлик, барқарорликва сунъий интеллек логистикаси келажак транспорт секторидаги ўзгаришларнинг асосий омили ҳисобланади. Ер усти хизматлари, учувчисиз кемалар ва самолётларни масофадан бошқаради. Шаҳар транспорт ҳайдовчилари “ақлли” йўллар кўрсатмалар асосида энг қисқа машрутни топишлари ёки фавқулодда тирбандликлар пайтида ҳавога кўтарилишлари мумкин бўлган транспортларни яратишади. Бу касб вакилларига янги транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчилар, профессионал дрон бошқарувчиси, учувчисиз транспорт соҳаси юристи, логистика оператори, учувчисиз самолёт мұхандислари киради.

Энергетика ва ресурслар бўйича келажак касблари. Минерал ресурслар канча тез тугаса, инсоният уларнинг ўрнини босувчи-янги ва қайта тикланадиган энергия манбаларини шунчалик фаол изляяпди. Ушбу соҳа мутахасислари об-хаво шароити ёки инсон танасининг ҳаракатимдан фойдаланиб, сайёрани йўқ қимлишни тўхтатиб, энергия ишлаб чиқаришни ўрганадилар, уларга муқобил ва қайта тикланадиган энергия бўйича мутахасислар, метеоенеогетик, тақиладиган энергия қурилмалари

дизайнери, қазиб олиш саноатида экологик таҳлилчи, энергия истеъмоли тизимларини ишлаб чиқарувчилар киради.

Курилишдаги келажак касблари. Тоза материаллар, роботатехника ва сунъий интеллект бутун шаҳарларни қурилиш услубини ўзгартиради. БИМ дизайнери, ақлли уй инфратузлмаси дизайнери, эски қурилиш конструксияларини реконструксия қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича мутахасис, қурилишда ЗД босма дизайннер, “яшил” шаҳарлар архитектори каби мутахассислар бу соҳа келажак касбларидир.

Бундан ташқари енгил саноат соҳасига технологлар, янги газламалар конструктори, кийимларни қайта ишлаш бўйича мутахассис, ижтимоий соҳада эса ижтимоий низоларнинг воситачиси, ногиронларни интернетда ишлашга мослаштирувчи мутахасис, ижтимоий модератор, мигрантларни мослаштириш бўйича мутахассис, ижтимоий масалалар бўйича краудсорсинг, Хавфсизлик соҳасида бўлса киберхавфсизлик бўйича мутахасис, кибер терговчи, тизимли экологик оғатларни бартараф этиш бўйича мутахассис, аудитор ва хавфсизлик бўйича мутахасис, бизнес ва молия соҳасида эса крептоволюта банки оператори, интеллектуал мулк баҳоловчиси, иқтидорли одамларга сармоя киритиш учун фонд бошқарувчиси, тренд кузатувчиси, вақт менежери, венчкр фондлари учун корпоратив портфел менежери, болалар товарлари ва хизматлари билан боғлиқ касбларда эса трансмедия маҳсулоти архитектори, болалар иштимоий тадқиқот ишлари бўйича мутахасис, болалар роботатехникаси конструктори. Таълим соҳасига келсак, таълим йўлини ишлаб чиқувчи, гемемастер, АЛ га асосланган ўқув курслари муаллифи, истедодларни излаш ва ривожлантириш бўйича мутахасис, минд фитнес мураббийси, оммавий ахборот воситалари бўйича эса ахборот стилисти, виртуал дунё дизайнери, ОАВ политсиячиси, медия дастур ишлаб чиқарувчиси, маданиятлараро алоқа менежери, маданият ва санъатда эса бадиий баҳоловчи каби ва бошқа бир қатор соҳаларда бир қатор янги касблар келажакда биз билан “ҳамкорлик қилишга” тайёр.